

Тракторлар ва қишлоқ
хўжалиги машиналаридан
самарали фойдаланишни
ташкил этиш
Амалий машғулот (4 соат)

Тракторларга бўлган талабни аниқлаш учун тузилган 3.1-жадвалнинг устунлари қуйидагича тўлдирилади, яъни 2.1-жадвалга мос ҳолда ҳар бир бажариладиган ишнинг тартиб рақами (1-устунга), қишлоқ хўжалиги машинасининг русуми (2-устунга), ишнинг бажариш муддати (3-устунга) қўйиб чиқилади. Ишнинг бажариш муддатига (3-устун) қараб календар кунлар сони аниқланади ва ҳисоблар 4-устунга ёзиб чиқилади.

5-устун. Ҳар бир ишни МТАлари томонидан бажаришдаги ишчи кунлар сони қуйидагича аниқланади:

, кун (3.1)

$$D_{\text{ишчи}} = \frac{D_{\text{иш}}}{N_{\text{ишчи}}}$$

Бу ишчи кунлари белгиланган ишларни қанча кунда бажара олиш имкониятини кўрсатади.

Сўнгра 2.1-жадвалнинг 13 ва 16-устунларига асосан ҳар бир ишни бажарадиган МТАларининг сони ва ишнинг бажариш учун кетган ёқилғи сарфи 3.1-жадвалдаги ишнинг бажариш муддатига (3-устун) мос ҳолда ойма-ой 6- ва 17-устунларга қўйиб чиқилади.

Бажариладиган ишнинг календар муддати (3-устун) бир ойдан бошланиб бошқа бир неча ойда тугатилиши белгиланган бўлса, биринчи навбатда ушбу ишни МТАлар томонидан бажариш кунлар сонига (4-устун) ва хўжаликнинг шароити ҳамда ишнинг агротехник талабларга асосан бажариш мумкинлигига қараб у ёки бу ойга сурилиши мумкин.

Агарда юқоридаги усулни қўллаш имконияти бўлмаса, у ҳолда МТАлар сони ҳар ойга бир хил қўйилади, ёнилғи сарфи эса календар кунларга мос ҳолда ҳар бир ойга бўлиб ёзилади.

Ҳар бир трактор русуми бўйича МТАлар сони ва ёнилғи сарфи ойма-ой (6- ва 17-устунлар) қўйиб чиқилади ва қайси ойда ишлатиладиган МТАлар сони кўп бўлса, **ушбу миқдор ҳар бир трактор русумига бўлган талаб миқдорини белгилайди.**

Ҳар бир трактор русумига бўлган талабга кўра фермер хўжалигидаги мавжуд тракторлар сонини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида ва ижарага олинадиган тракторларга бўлинади ва уларга хўжалик рақамлари берилади (№1, №2 ва ҳакозо).

Сўнгра ҳар бир хўжалик рақамли тракторнинг йил давомида бажарадиган ишлари турли рангдаги чизиклар билан белгиланади.

Ушбу жадвални намунавий тўлдирилиши 4- иловада келтирилган.

Худди шундай ҳар бир қишлоқ хўжалиги машинасига бўлган талаб ҳам юқоридаги кўрсатилган усулда аниқланади.

Агар бир неча турдаги механизациялаштирилган ишлар бир русумдаги қишлоқ хўжалиги машинаси билан бир пайтда (ой давомида) амалга оширилса ёки бир неча бор қайта бажарилса, масалан, ғўзани 1,2 ва ҳакозо култивация қилиш (КХУ-4Б), зараркунандаларга қарши кураш ва дефолиация қилиш (ОВХ-600), ўт ўриш (КИР-1.5), пахтани ташиш (2ПТС-4-793А) ва бошқалар, уларни бажаришда қатнашадиган МТАларидаги қишлоқ хўжалиги машинасининг ҳар ойда ишлаган миқдорлари солиштирилиб, уларнинг энг катта миқдори (сони) олинади.

Бунда фермер хўжалигидаги мавжуд тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини имконияти борича кўпроқ ишларни бажарилишида қатнашишига алоҳида аҳамият берилиши талаб этилади. Чунки механизациялаштирилган ишларнинг бажаришни бу усулда ташкил этиш, ушбу ишларни белгиланган агротехник муддатларда амалга оширилишини таъминлайди ҳамда фермер хўжалигига қарашли барча тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан самарали фойдаланиш имконини беради.

Механизациялаштирилган ишларни бажариш учун талаб этиладиган тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари (ҚХМ), шартнома асосида ишлатиладиган ва ижарага олинadиган МТАлар сони ҳамда уларни ишлатиш муддатлари, ишни бажариш кунлари ва янгисини сотиб олиш бўйича тавсиялар 3.2-жадвалга киритилади.

Ушбу жадвални намунавий тўлдирилиши 5- иловада келтирилган.

Техникалар билан бажариладиган ишлар ва уларга талаб этиладиган ёнилғи сарфининг ойма-ой тақсимоми

***) МТАлар ишини ташкил этиш усуллари: Б – фермер хўжалигидаги мавжуд тракторлар; Ш- шартнома асосида ишлатиладиган тракторлар; И – ижарага олинadиган тракторлар сони.**

**Механизациялаштирилган ишларни бажариш учун
талаб этиладиган техникалар билан таъминлаш режаси**

| Т/р | Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг русумлари | Жами талаб этилади | | | МТАлар ишини ташкил этиш усуллари бўйича техникалар сони, дона | | | Жорий йилда янгидан сотиб олиш тавсия этилади | |
|------------|--|--------------------|-------------------------|------------------------|--|-----------------------------|-----------------|---|-----------------------|
| | | сон, дона | биттасини нархи, млн.с. | жами суммаси, млн. сўм | фермер хўжалигидаги мавжуд сони | шартнома асосида ишлатилади | ижарага олинади | сон, дона | жами суммаси, млн.сўм |
| I | Т р а к т о р л а р | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| II | Қишлоқ хўжалиги машиналари | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| III | Ўрим-йиғим комбайнлари ва ўзиюрар техникалар | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | Σ | | | | | |